

О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

10 сентябрь 2018 й.г.

№ 716


Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 9 апрелдаги 278-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 9 апрелдаги 278-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2018 й., 15-сон, 311-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўzlари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирунлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг биринчи ўринбосари - "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раиси А.Ж.Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хафсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Д.Б.Ахмедов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Баш вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 10 сентябрдаги
716-сон қарорига
илюва

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 9 апрелдаги 278-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 1-илювада:

а) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади”;

б) 9-банднинг иккинчи хатбошидаги “ва фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат” сўzlари чиқариб ташлансин;

в) 15-банддаги “ўттиз” сўзи “йигирма” сўзи билан алмаштирилсин;

г) 17-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилардаги “йигима” ва “ўн” сўzlари тегишли равища “ўн” ва “беш” сўzlари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

“Ўздавтемирийўлназорат” инспекцияси лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиши муддати мобайнида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда кўрсатиб ўтилган ушбу муддат тамом бўлгандан кейин лицензия талабгори, бу ҳақда “Ўздавтемирийўлназорат” инспекциясини хабардор қилган ҳолда, аризада кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда “Ўздавтемирийўлназорат” инспекцияси лицензия талабгорининг ёзма билдиришномасини олгандан кейин беш иш куни мобайнида лицензия талабгорига лицензия беришга мажбур”;

д) 21-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи – тўққизинчи хатбошилар тегишли равища бешинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

е) 5-бобнинг номи кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш”;

ё) 27-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

ж) 28-банднинг биринчи хатбошидаги “ва амал қилиш муддати тугамаган” сўzlари чиқариб ташлансин;

з) 36-бандда:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи – ўнинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошидаги “амал қилиш муддатини узайтириш” сўzlари чиқариб ташлансин;

и) 38-банднинг биринчи хатбошидаги “ва уларнинг амал қилиш муддати узайтирилгани” сўzlари чиқариб ташлансин;

й) Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиб фаолиятини лицензиялаш схемасининг (Низомга 1-илова) “Бажариш муддатлари” устунида:

2-босқичдаги “20” рақами “10” рақами билан алмаштирилсин;

3-босқичдаги “10” ва “5” рақамлари тегишли равишда “5” ва “3” рақамлари билан алмаштирилсин;

к) 2-илованинг тўртинчи бандидаги “ва кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш муддати” сўzlари чиқариб ташлансин.

2. Қарорга 2-иловадаги изоҳлар чиқариб ташлансин.